

## ТЕХНИК ТОПШИРИҚ

**Хизматлар ҳажми** – Кийимларнинг ойига тахминий ҳажми: 4445 кг. Кийимларнинг 1 ой учун тахминий ҳажми: 4445 кг. Кийимларни олиш ва етказиб бериш ҳар куни амалга оширилиши керак.

**Хизмат кўрсатиш қиймати** – 1 кг кийим учун 9000,00 сўм.

**Хизмат кўрсатиш шартлари (даврлари):** шартнома тузилган пайтдан бошлаб 2022-йил 31-июнгача.

**Хизмат кўрсатиш жойи:** Кийимларни олиш ва етказиб бериш (ҳисоб-фактуралар кўчирмаси билан) Ижро этувчи томонидан Буюртмачининг манзили бўйича амалга оширилади.: Сирдарё вилоят Гулистон ш Дустлик курғони

**Сифат ва ишончлиликка бўлган талаблар:**

Ювиш учун фақат барча зарур санитария меъёрларига жавоб берадиган юқори сифатли кимёвий ва тозалаш воситаларидан фойдаланиш. Ювилгандан сўнг, кийимлар одамлар учун хавфсиз бўлиши керак.

Ижро этувчининг айби билан йўқолган кийимнинг қийматини қайтариб бериш Ижро этувчи томонидан кийимни қайта ишлаш учун топшириш вақтида эскириш даражаси ва нуқсонлар мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда сотиб олинган товарларнинг нархлари бўйича амалга оширилади. Кийимни ювиш сифати Буюртмачини қониқтирмаса, Ижро этувчи хизмат ҳақини қайта ундирмасдан кийимни қайта ишлашга мажбурдир. Ижро этувчи хизмат кўрсатиш шартларига риоя қилган ҳолда хизматнинг юқори сифатли бажарилишини таъминлаши шарт (кийим биологик субстратлардан ювилиши керак): Ювилмаган қон доғлари бўлган, бегона ҳидлар мавжуд бўлган, шунингдек, ёмон ювилган кийимлар Ижро этувчига қайтарилади ва Ижро этувчи ҳисобидан 2 кун ичида ювилади.

Хизматлар қуйидаги меъерий-техник ҳужжатлар талабларига риоя қилинган ҳолда кўрсатилади: Ўзбекистон Республикасининг 26.08.2015 йилдаги ЎРҚ-393 - сонли “Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида”ги Қонуни; СанПиН 0342-17-сонли “Қасалхона ичидаги инфекцияларни олдини олиш” - О’зDSt 995:2001 “Хизматлар. Асосий қоидалар”.

**Бажарилган иш ҳажми учун ҳисоб-китоблар қуйидаги шароитлар бажарилганда 1 кг қуруқ кир кийимнинг оғирлиги бўйича ассортиментда амалга оширилади:**

- хизмат муддати 4 дан 8 соатгача, шошилиш ювиш режимида, ҳафтада 7 кун, дам олиш кунларисиз амалга оширилади.

- дам олиш ва байрам кунларида хизматлар кўрсатиш нархини ўзгартирмаган ҳолда хизматлар кўрсатиш.

- кийим тоза, доғсиз, дазмолланган бўлиши керак.

- дазмоллашдан кейинги кийимлар қуруқ, яхши дазмолланган, ажинларсиз, бурмаларсиз ва матоларнинг хиралашувисиз бўлиши керак.

- кийимни юклаш, ташиш, тушириш ва қаватга қўтариш Ижро этувчи томонидан

ўз маблағлари ва Ижро этувчининг ўз кучлари ҳисобидан амалга оширилади.

Ижро этувчи кийимнинг шикастланиши ва йўқолиши учун унинг тўлиқ нарҳини қоплаш орқали, эскириш фозини ҳисобга олган ҳолда жавобгар бўлади. Кийимнинг шикастланиши ёки йўқолиши факти иккала томон вакиллари томонидан далолатнома тузиш орқали аниқланади. Кийим шикастланган, алмаштирилган ёки йўқолган тақдирда, Ижро этувчи кийимнинг қолдиқ қийматини қоплайди ва (ёки) шикастланган кийимни алмаштиради.

**Қадоқлашга бўлган талаблар:**

Ювиш ва дазмоллашдан сўнг, кийимларни буклаш ва қадоқлаш керак. Нам кийимларни қатлашга йўл қўйилмайди. Кийимлар турига кўра таснифланиши керак.

**Гигиеник талаблар:** Кир ювиш хонаси жойлашуви технологик жараённинг кетма-кетлигини (оқимини) назарда тутиши керак, тоза ва кир кийим оқимларининг кесишишига йўл қўйилмайди. Кир ювиш хонасида бир-биридан аниқ ажратилган иккита бўлинма бўлиши керак: тоза ва кир. Ювиш эритмаларини тайёрлаш учун воситалар уларнинг хавфсизлигини тасдиқловчи ҳужжатга эга бўлиши керак. Ювиш эритмаларини тайёрлаш реактор хонасида тасдиқланган кийимларни ювиш технологиясига қатъий мувофиқ равишда амалга оширилади. Кийимларни ювиш жойлари тоза сақланиши керак. Барча хоналарни нам тозалаш ҳар куни амалга оширилади. Умумий тозалаш ҳар ойда бир марта амалга оширилади. Биноларни дезинфекциялаш учун белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган дезинфекциялаш воситалари қўлланилади. Кир ва тоза кийимни тўғридан-тўғри полда сақлашга йўл қўйилмайди. Тоза кийимни тарқатиш фақат қадоқланган ҳолатда амалга оширилади. Автотранспорт воситалари, махсус аравалар ва тоза кийимларни ташиш учун мўлжалланган бошқа қурилмалар дастлабки дезинфекциядан ўтказилади. Автотранспорт воситаларининг мавжудлиги.

**Ижро этувчи ўз маблағлари ҳисобидан кир ювиш хонасининг техник жиҳозларини яхшилашга мажбурдир:**

- 3 дона миқдорда 25 кг сиғимга эга замонавий кир ювиш машиналари ўрнатилиши керак,
- 3 дона миқдорда 15 кг сиғимга эга замонавий қуритгичлар ўрнатилиши керак,
- 2 дона миқдорда замонавий қуритиш жавонлари ўрнатилиши керак,

Шунингдек, бинонинг ички ва ташқи қисмларини яхшилаш, ўтказилган жиҳозларни тегишли шаклда сақлаш ва ўз маблағлари ҳисобидан таъмирлаш ишларини олиб бориш

## НАРХ ҚИСМИ

1	Лойиҳанинг чекланган қиймати	<u>Хизматларнинг чекланган қиймати 15% КҚСни ҳисобга олган ҳолда 40 005 000,00 (кирик миллион беш минг) сўм.</u>
2	Молиялаштириш манбаи	<u>Небюджет маблағлар</u>
3	Иштирокчилар учун тўлов шартлари	<u>Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунига мувофиқ (41-модда), Шартнома умумий суммасининг камида 30% миқдоридаги аванс тўлови шартнома тўғрисидаги маълумотлар шартномалар реестрига киритилган кундан бошлаб 10 (ўн) банк куни ичида амалга оширилади.</u>
4	Тўлов валютаси	<u>Ўзбек сўми</u>
5	Ўтказиб бериш муддати	<u>4-8 соат, 24/7</u>
6	Танлов таклифининг амал қилиш муддати	<u>танлов таклифларини топшириш тўғрисида кундан бошлаб камида 30 кун.</u>

ИШТИРОКЧИНИНГ ФИРМА БЛАНКАСИДА

Сон: \_\_\_\_\_

Сана: \_\_\_\_\_

Танлов комиссияси

ТАЛАБНОМА

Хизматларни кўрсатиш бўйича (*таклиф этилаётган хизматлар номи кўрсатинг*) танлов ҳужжатларини, ...-сонли сўровларга жавобларни (*ёзма мурожаатлар ва уларга жавоблар бўлган тақдирда сўровлар рақамларини кўрсатинг*) ўрганиб чиққандан сўнг, биз мазкур ҳужжат билан уларни қабул қилганлигимизни тасдиқлаймиз, биз қуйида имзо чекувчилар (*Танлов иштирокчиси номи*), танлов ҳужжатларига мувофиқ хизматлар кўрсатиш бўйича танловда катнашиш ниятидамиз.

Шу муносабат билан биз қуйидаги ҳужжатларни ташқи конвертда юборамиз:

1. \_\_ варақдан иборат малакавий ҳужжатлар тўплами (варақлар сонини кўрсатинг, агар рисолалар, буклетлар, проспектлар, компакт-дисклар ва бошқалар тақдим этилган бўлса, уларнинг сонини кўрсатинг);
2. Конкурс таклифининг техник ва нарх қисми солинган конверт;
3. Бошқа ҳужжатлар (*агар бошқа ҳужжатлар тақдим этилса, варақларнинг номи ва сонини кўрсатиши керак*).

Танлов таклифини тайёрлаш учун масъул шахснинг ФИО:

Алоқа қилиш учун телефон/факс: \_\_\_\_\_

Электрон почта манзили: \_\_\_\_\_

Раҳбарнинг ёки ваколатли шахснинг ФИО ва имзоси

Мухр ўрни

ИШТИРОКЧИНИНГ ФИРМА БЛАНКАСИДА

Сон: \_\_\_\_\_

Сана: \_\_\_\_\_

Танлов комиссияси

КАФОЛАТ ХАТИ

Мазкур хат билан шуни тасдиқлаймизки, компания \_\_\_\_\_ :  
(компания номланиши)

- қайта ташкил этиш, тугатиш ёки банкротлик жараёнида турмайди.
- (буюртмачининг номи) билан суд ёки ҳакамлик муҳокамасида эмас
- илгари тузилган шартномалар бўйича тегишли равишда бажарилмаган мажбуриятлар мавжуд эмас

Имзолар:

Раҳбар ФИО \_\_\_\_\_

Бош ҳисобчи (молия бўлими бошлиғи) ФИО \_\_\_\_\_

Юрист ФИО \_\_\_\_\_

Мухр ўрни

## Танлов иштирокчиси тўғрисида умумий маълумот

1	Юридик шахснинг ташкилий-ҳуқуқий шаклини кўрсатган ҳолда тўлиқ номи	
2	Рўйхатдан ўтганлик тўғрисидаги маълумотлар (рўйхатга олинган сана, рўйхатга олиш рақами, рўйхатдан ўтказган органнинг номи)	
3	Юридик манзил	
4	Алоқа қилиш учун телефон, факс, e-mail	
5	Тўлиқ банк реквизитлари	
6	Фаолиятнинг асосий йўналишлари	

Муқобил хизматларни кўрсатиш тўғрисидаги маълумотлар (муқобил дастурий маҳсулотлар билан таъминланган ташкилотларнинг алоқа қилиш рақамларини кўрсатиш керак).

№	Хизматлар номланиши	Харидорнинг исми, унинг манзили ва алоқа қилиш маълумотлари	Хизматлар кўрсатиш санаси	Эслатма

\_\_\_\_\_

(ваколатли шахс имзоси)

\_\_\_\_\_

(Ваколатли шахс ФИО ва лавозими)

М.Ў.

Сана: 2022-йил “ \_\_\_ ” \_\_\_\_\_

ФИРМА БЛАНКАСИДА

ИШОНЧНОМА

Устав (Низом ва бошқалар) асосида, \_\_\_\_\_ номидан иш юритувчи, бундан кейин матнда “Компания” деб юритиладиган \_\_\_\_\_ компанияси (корхона, завод ва бошқалар) мазкур ишончнома билан Компания вакили – фуқарога (\_\_\_\_\_ йилда \_\_\_\_\_ томонидан берилган \_\_\_\_\_ - сонли \_\_\_\_\_ серияли паспорт) куйидаги ваколатларни беради.

- а) танлов ҳужжатларини тақдим этиш;
- б) танлов буюртмачиси ва танлов комиссияси билан музокаралар олиб бориш;
- в) танлов комиссиясининг мажлисларида катнашиш;

Мазкур ишончнома имзоланган пайтдан эътиборан кучга киради ва шартнома танлови натижалари бўйича тузилган бандларни келишишнинг бутун жараёни, уни имзолаш, экспертизадан ўтказиш ва Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Лойиҳалар ва импорт контрактларини комплекс экспертиза қилиш марказида рўйхатдан ўтказиш (хорижий етказиб берувчи билан импорт контракт тузилган тақдирда) тартиби бўйича иш юритади.

Шартнома кучга кирган пайтдан бошлаб у бўйича ҳуқуқ ва мажбуриятлар улар якуний бажарилгунга қадар тўлиқ ҳажмда “Компания”га ўтади.

Раҳбарнинг ёки ваколатли шахснинг ФИО ва имзоси

Ушбу ишончнома берилган шахснинг ФИО ва имзоси

Мухр ўрни

ТАШКИЛОТ БЛАНКАСИ

\_\_\_\_\_ (танлов мазмуни ва сонини кўрсатинг) Танлов учун техник таклиф

Сон: \_\_\_\_\_

Сана: \_\_\_\_\_

**Танлов комиссияси**

**Хурматли хонимлар ва жаноблар!**

Кир ювиш хизматларини кўрсатиш бўйича танлов савдолари учун ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, биз, қуйида имзо чекувчилар *(Танлов иштирокчисининг тўлиқ номланиши)*, \_\_\_\_\_ ишлаб чиқарилган *(ишлаб чиқарувчини кўрсатинг)* \_\_\_\_\_ миқдорида \_\_\_\_\_ *(таклиф этилаётган хизмат номини кўрсатинг)* амалга оширишни таклиф қиламиз.

Биз ушбу техник таклифга тўлиқ мувофиқ равишда Танлов ғолиби билан тузиладиган шартнома бўйича хизматлар кўрсатиш мажбуриятини оламиз.

Биз Танлов таклифларини қабул қилишнинг охириги муддати сифатида белгиланган санадан бошлаб 30 кун давомида мазкур таклиф қоидаларига риоя қилишга розилик берамиз. Ушбу Танлов таклифи биз учун мажбурий бўлиб қолади ва кўрсатилган муддат тугашидан олдин исталган вақтда қабул қилиниши мумкин.

Иловалар:

- \_\_\_ та варақда таклиф этилаётган маҳсулотларнинг техник тавсифларининг қиёсий жадвали;

- техник ҳужжатлар рўйхати (рисолалар, техник паспортлар, фойдаланиш бўйича йўриқномалар ва бошқалар ёки таклиф этилаётган маҳсулотнинг тўлиқ ва батафсил тавсифини ўз ичига олган бошқа ҳужжатлар);

*Тақдим этилган ҳужжатлар тикилган, рақамланган ва ваколатли шахснинг имзоси ва танлов иштирокчисининг муҳри билан муҳрланган бўлиши керак, ҳужжатлар рус тилида тақдим этилиши керак.*

\_\_\_\_\_  
(ваколатли шахс имзоси)

\_\_\_\_\_  
(Ваколатли шахс ФИО ва имзоси)

М.Ў.

Сана: 2022-йил “ \_\_\_ ” \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_ [Иштирокчининг номи ва почта манзили]

Менежер

Менежернинг телефон рақами

**Харидлар комиссияси**

**«КК» ОООО 2022 йил соат 00:00 (маҳаллий вақт) гача ОЧИЛМАСИН**

**Танловда иштирок этиш учун №№№№№№№-сонли лот**

**Чойшабларни ювиш бўйича аутсорсинг хизмати учун**

Таклиф келиб тушган сана: « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2022 йил

Соат \_\_\_\_ . \_\_\_\_ дақиқа.

\* Танлов таклифи кўрсатилган конвертларни қабул қилишни танлов ташкилотчиси:

\_\_\_\_\_ амалга оширади, телефон (71) \_\_\_\_\_,

E-mail: \_\_\_\_\_

Танлов кўрсатилган конвертни беришда ёнингизда шахсни тасдиқловчи ҳужжатингиз бўлиши лозим.